



"TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ
XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALASH
MUHANDISLARI INSTITUTI" MTU



FAN:

•Энергоаудит

MAVZU

**Энергоаудитнинг
қонуний асослари**



Nuraliyeva Nodira
Abdukamilovna



Elektrotexnologiyalar va
elektr jihozlaridan
foydalanish kafedrası



Режа

1.

- Энергиядан окилона фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон республикасининг қонуни.

2.

- Энергиядан окилона фойдаланишнинг давлат бошқаруви асослари

3.

- Энергиядан окилона фойдаланишнинг иктисодий механизмлари

Энергетик текширувлар Ўзбекистон Республикаси “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида” ги қонунини 13-14- моддаларига асосан ўтказилади.

Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон республикасининг 1997 йил 25 апрель Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сон, 118-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 412-I-сонли **Қонунига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 118-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 423-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

Ташкилотларда энергетик текширувларнинг 6 хили мавжуд

ишга туширишдан олдин ва фойдаланишдан олдин:

дастлабки,

даврий

навбатдан ташкари

махаллий

экспресс текширувлар

Энергоаудит



Ёқилғи - энергетика манбалари истеъмолчиларини энергетик текширувдан ўтказиши ҳуқуқи қуйидагиларга берилган

1

“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси ва Ўздавнефтгаз” инспекциясига

2

Энергетик текширувлар ўтказувчи ташкилотларга Текширувларга рухсатномаси бўлган энергия аудиторлар

Инспекцияларнинг назоратчилари, мувофиқлаштириш режасига асосан, кўрсатиб ўтилган текширув хилларидан фақат биттасини - экспресс текширувини бажариши мумкин.

Қолган текширув хилларини фақат энергия текширувлари (аудиторлари)» Ўзэнергоназорат инспекцияси томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ бажарилиши мумкин



Энергия аудиторлари ўз фаолиятида Ўз Р давлат ҳокимияти Идораларининг меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларига ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрь «Энергетик текширув ва экспертизалар ўтказишга оид фаолиятини лицензиялаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги 504-сонли қарорига амал қилади.

Мажбурий энергетик текширувга таалуқли ташкилотларга ёқилғи – энергетика манбалари истеъмолининг ёки ҳар бир турларининг йиғиндиси йилиги 6 минг т. дан кўп, ёки 1 минг т. дан кўп мотор ёқилғиси ташкил қиладиган ташкилотлар қиради.

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади



Ушбу қонуннинг мақсади миллий энергетика ресурслари сақланишини, энергиядан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган умумий ҳуқуқий асосларни шакллантиришдан иборатдир.

2-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари



Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш:



- * энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида энергиядан самарали ва экологик жihatдан хавфсиз фойдаланилишини таъминлашга;**
- * энергия жихатидан самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни, арзонроқ нефть маҳсулотлари, табиий газ, кумир ва бошқа турдаги табиий ёқилғиларни қазиб, олиш ва ҳосил қилишни рағбатлантиришга;**
- * энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш миқдори ҳамда сифатини ўлчаш ва ҳисобга олпшининг аниқ, тўғри, бир хил бўлишини таъминлашга;**
- * энергиянинг самарали ҳосил қилиниши ва сарфланиши ҳамда унинг сифати устидан, энергетика асбоб-ускуналарининг, энергия билан таъминлаш ва энергияни сарфлаш тизимларининг техникавий ҳолати устидан давлат текшируви ҳамда назоратини амалга оширишга қаратилгандир.**

4-модда. Стандартлаш

Энергия хосил қиладиган ва энергия сарфлайдиган асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотга қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда энергия жихатидан самарадорлик кўрсаткичлари белгилаб қўйилади.

Норматив хужжатларда энергия хосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида энергиядан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларида энергия сарфланиши, худудлар, бинолар ва иншоотларни иситиш, ҳарорати ва намлигини бир хилда сақлаб туриш, хавосини алмаштириш, иссиқлик, сув, газ ва электр билан таъминлаш, электр билан ёритиш учун энергия сарфлаш кўрсаткичлари белгилаб қўйилади.

Энергиядан оқилона фойдаланишга доир норматив хужжатлар, техникавий қоидалар ва нормалар энергия хосил қилувчилар ва уни сарфловчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

Энергиянинг сифати тегишли норматив хужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

13-модда. Энергетика текширувлари

Энергетика текширувлари энергия хосил қилиш ва уни сарфлаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Ҳар йили умумий ҳажми олти минг тоннадан ортиқ шартли ёқилги ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғисига тенг энергия ресурсларини сарфлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мажбурий энергетика текширувларидан ўтказилади.

Энергетика текширувларини ўтказиш тартиби ва муддатларини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

14-модда. Энергетика экспертизаси

Энергия хосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар, шунингдек бошқа ишлаб чиқарилишида энергиядан фойдаланиладиган маҳсулотлар энергия жихатидан самарадорлиги ва энергия сарфланиши микдорини баҳолаш учун энергетика экспертизасидан ўтказилади.

Янги ва реконструкция қилинаётган объектларнинг, технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг лойиха ҳужжатларини энергетика экспертизасидан ўтказиш мажбурийдир.

Энергетика экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда ўтказилади.



"TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ
XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALASH
MUHANDISLARI INSTITUTI" MTU



E'TIBORINGIZ UCHUN RAHMAT!



Turdibayev Abduvali
Abdualolovich



Elektrotexnologiyalar va elektr
jihazlaridan foydalanish
kafedrası



+ 99893-573-72-77



n.nodira333@gmail.com